



Тошкент Оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2010 йил 6 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА


ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 3 (11.564)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ички ва ташқи бозорни ўрганишга қаратилган этиборнинг самараси тадбиркорларимиз томонидан тайёрланаётган сифатли, талабларга мос товарларда ўз аксини кўрсатмоқда.



Тадбиркорлик

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁ АСОСИДА

Шахримиздаги «Ташинвест-пласт» масъулияти чекланган жамияти мустақиллик йилларида ташкил топган бўлиб, ҳозирда корхона цехларида маҳаллий хом ашё асосида турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Корхонада бугунги кунга келиб маҳсулотлар турлари 200 хилдан ортиб кетди. Улар буюртмалар асосида тайёрланмоқда.

Корхона цехларида Италиядан келтирилган ротацион қилиш машинаси ўрнатилган бўлиб, ушбу дастгоҳ ёрдамида буюртмалар тўла-тўқис бажаришмоқда. Корхона асосан ўз фаолиятини пластмасса контейнерлар ишлаб чиқаришдан бошлаган бўлиб, бундан қўланган асосий мақсад пойтахтнинг санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ишларига муҳим хисса қўшишдир. Шунингдек, бугунги кун талабига жавоб бера оладиган чикинди қутилари нафақат кўриниши, балки сифати, санитария қоидаларига мосли-

ги, енгиллиги билан ажралиб туради. Корхона тадбиркорлари бозор иқтисодиёти талаблари асосида иш юритиб, кун сайин маҳсулот турларини кўпайтиришмоқда, рақобатбардорлигини таъминлаш эса буюртмалар ортишида асосий омил бўляпти. Айниқса, жамиятнинг пойтахтимидаги «Совпластитал» қўшма корхонаси билан ҳамкорлиги яхши самаралар берапти. Қўшма корхонанинг буюртмаси тадбиркорлар томонидан сифатли ва вақтида бажариб берилляпти.

Шахримизни ободонлаштириш, гуллар масканига айлантириш, кўча ва шохўчалар, корхона ён-атрофлари чиройини таъминлашда ҳам жамият аҳлининг муносиб улуши бор. Чунки буюртма асосида гултувакларнинг ўнлаб турлари ишлаб чиқаришмоқда, улар замонавий дизайни билан ажралиб туради. Албатта, бу борада моҳир мутахассис ва изланувчан дизайнерларнинг хиссаси салмоқли ва бу корхона ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Корхона тадбиркорларини излашиб имкон топаётганлар

сирасига киритиш мумкин. Албатта, тинимсиз изланиш, ташаббус кўрсатиш ўз самарасини бермай қолмайди. Талаблардан келиб чиқиб маҳсулот турларини кўпайтираётган корхона мутахассислари кишлоқ ҳўжалиги техникалари учун бутловчи қисм — бункерлар тайёрлашни ҳам йўлга қўйишди. Шунингдек, рақобатбардорлик ва вақтида бажариб берилляпти.

Юртимизда тадбиркорлик ривожига учун қаратилган катта эътибордан оқина фойдаланишни мақсад қилган тадбиркорлар ички бозорни керакли ва зарур товарлар билан таъминлашни зиммаларига олган ҳолда маҳсулотнинг харидориги турларини яратиш, буюртмачиларни жалб этиш йўлида тинмай изланишмоқда. Зеро, интилганга ҳаммаш толе ёр бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: тайёрланаётган янги маҳсулотлар изланишлар самарасидир.
Ҳакимжон Солихов
олган сурат

ДУНЁ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИБ ЎТГАН САЙЛОВЛАР ҲАҚИДА

2009 йил 27 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловлар дунё оммавий ахборот воситаларининг асосий мавзуларидан бирига айланди.

Хусусан, Россиянинг «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги сайловларнинг эркин тарзда, барча қоидаларга риоя қилинган ҳолда ва сайлов қонунчилигига асосан бўлиб ўтгани ҳақида ёзади. Агентлик МДХ ва Россия миссиясидан кузатувчи сифатида иштирок этган Владимир Портяковнинг «Сайловларни ташкил этиш яхши йўлга қўйилган, бундан кўриниб турибдики, улкан тайёргарлик ишлари олиб борилган. Мен эрта саҳардан сайлов учаскасига бордим. Барча участкаларда қонунда белгиланган талаблар бажарилган, хусусан, сайловчилар рўйхатлари жойлаштирилган, барча зарур ҳужжатлар тайёрланган, овоз бериш жараёнининг ўзи ҳам тегишли талабларга мувофиқ ташкил этилган» деган сўзларини айнан келтиради.

МДХ ва Украина миссияси кузатувчиси Анатолий Кинахнинг фикрига кўра, овоз бериш жуда яхши ташкил этилган, сайловларнинг ўзи эса «янада самарали сифатга эга бўлган, инсонлар турмуш даражасини оширишга йўналтирилган ҳукуматни барпо этишга имкон яратди». «Ўзбекистон сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар, менинг назаримда, ижобий, ахир демократик давлатда ҳокимият халққа тегишли бўлади, Ўзбекистон ҳам шу мақсад сари бормоқда», дея хулоса қилади А.Кинах.

Овоз бериш куни МДХ миссиясининг 84 нафардан иборат бўлган вакиллари Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кузатув олиб боришиб, 98 та сайлов округидаги 787 та сайлов участкасида бўлишди.

Россия маасс-медиясининг яна бир улкан вакили — «Вести» овоз беришнинг боши ҳақида тўхталар экан, халқроқ кузатувчи сифатида Тошкент шаҳри, Жиззах ва Хоразм вилоятларидаги сайлов участкаларида бўлган МДХ миссияси кузатувчилари Ижроия қўмитаси раҳбари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси Сергей Лебедевнинг мулоҳазаларини келтиради. «Вести»нинг таъкидлашича, кузатувчилик фаолияти яқунлари ҳақида С.Лебедев Ўзбекистондаги парламент сайловлари «пўхта ва ҳар томонлама тайёргарликлар асосида бўлиб ўтди» дея қайд этди. Кузатувчи «фуқароларнинг сайлаш ҳўққини амалий жиҳатдан таъминлаш мақсадида сайлов тизими тўғрисида халқроқ андозаларга жавоб берадиган тарзда ташкил этилди» дейди. МДХ ижроия қўмитаси раисининг қайд этишича, депутатликка номзодлар дастурларида «мамлакат келажаги учун хизмат қиладиган қўллаб-қувватлар ва йўналишлар ўз аксини топган. Муносиб номзодларни сайлаш Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнаши ва халқ фаровонлигининг ошиши учун ёрдам беради».

ИнфоШОС ахборот-таҳлилий порталининг бош муҳаррири Т.Синица «Ўзбекистон демократия самарасини кўрмоқда — сайлов ҳўққини» сарлавҳали мақолисида «мамлакат бу йилги сайлов жараёнидаги фойда пўхта ва масъулият билан, сайлов процессининг бор ҳажмининг бутунлигича тақомиллаштирилган ва жараёнларни либер-

лизация қилган ҳолда тайёргарлик кўрди. 2008 йилда қабул қилинган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунлариغا ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга асосан, 2009 йил декабрь ойида бўлиб ўтган сайловлар мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш борасидаги ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим босқич вазифасини ўтайди», дея қайд этди. Муаллифнинг фикрига кўра, бу Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Дунёнинг қўпгина давлатлари эркин фуқаролик жамиятига эришар экан, модернизация қилиш ва демократик аъёнларнинг ривожланиши асосида келишган. Биз ҳам ана шундай жамият барпо этишни ороқ қиламиз ва шунга интиламиз» деган сўзларини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 27 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият вакилилик органларига сайловларда иштирок этиш учун келган сайлов участкасидаги чиқишда маданий тарздаги баҳслашувни қўллаб-қувватлашни билдирди, дея қайд этди Россиянинг «Новости» ахборот агентлиги. «Халқимиз бугунги сайлов олдинги сайловлардан тўдан фарқ қилишини яхши билади. Сайловчи нафақат ўзи танлаган номзодга, балки ўша номзод аъзо бўлган сиёсий партияга ҳам овоз бермоқда, партиянинг фойдалари ишонч билдирмоқда. Шундай экан, ҳар қайси партия ўз зиммасига қандай масъулият олаётганини яхши англамоғи лозим».

Ўзбекистондаги муҳим сиёсий жараёнларга Хитойнинг «Синьхуа» ахборот агентлиги, Хитой Интернет-ахборот маркази, Хитой халқроқ радиоси, «ChinaView» газетаси каби оммавий ахборот воситалари ҳам алоҳида эътибор қаратишди.

Хусусан, «Синьхуа» ахборот агентлиги «2009 йил 27 декабрь куни Ўзбекистонда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг қўйи палатаси беш йил муддатга сайланган 150 депутатдан иборат. 135 нафар депутат фуқароларнинг тўғридан-тўғри сайловлари асосида сайланади, қолган 15 депутат Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан унинг олий органи — конференция орқали сайланади» мазмунини хабарни тарқатди.

Шунингдек, Хитой ахборот агентлиги Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясининг мамлакатнинг амалдаги тўртта сиёсий партияси — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси ва «Адолат» социал-демократик партиясига парламентнинг қўйи палатасига сайловларда иштирок этишига руҳбат бергани ҳақидаги баёнотиға эътибор қаратади. Сайловчилар рўйхатиға Ўзбекистоннинг 17 миллион 215 минг 700 нафар фуқароси киритилган. Сайловларда 36 давлат ва тўртта халқроқ ташкилот — ЕОҲТ, ШҲТ, МДХ ва ИКТ миссияларидан жами 300 га яқин кузатувчи иштирок этди».

(Давоми 2-бетда).

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий кадрларимиз, этикод ва тафаккуримиз, урф-одат ва аъёнларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтириш жараёнида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда хотин-қизларни ҳар томонлама ҳимоялаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу ишларни янада юксак босқичға олиб чиқишда муҳим ҳўққини асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Фармонға асосан оилалар, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, таъ-

Фармон ва ижро

ДЎСТЛАР ДАВРАСИДА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрида «Дўстлар даврасида» мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар, жамоат ва халқроқ ташкилотлар, юртимиздаги чет эл дипломатик корпус вакиллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳаллалар фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

лим муассасаларида хотин-қизларнинг конституциявий ҳўққуқларини рўйбга чиқариш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, хотин-қизлар учун муносиб меҳнат шaroитини яратиш юзасидан кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, касаначилик меҳнатини ривожлантириш, тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, турли жабҳаларда самарали меҳнат қилаётган фаол хотин-қизлар меҳнатини эъозлаш, истеъдодли

ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш, миллий кадриятларимиз, боқий аънава ва урф-одатларимиз мазмун-моҳиятини ёш авлод онг шууриға сингдириш бўйича қатор ижтимоий-маърифий лойиҳалар, кўрик-танловлар, анжуманлар ташкил этмоқда. «Дўстлар даврасида» деб номланган мазкур тадбирда ҳам иш-

билармон хотин-қизлар томонидан яратилган миллий хунармандлик, халқ амалий санъати намуналари, турли маҳсулотлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

— Мен бу кўргазмада ўттиздан ортиқ адрас матолар билан иштирок этяман, — дейди марфилолик хунарманд Матлуба Исмоилова. — Юртимизда хотин-қизларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Ана шундай эътибор натижасида икки юз нафардан ортиқ аёлни хунармандлик ва касаначиликка жалб этишға муваффақ бўлди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Ақбарова иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

ЖАҲОНДА

• Белоруссия делегацияси Москвада 2010 йилга нефтни етказиб бериш юзасидан музокара оlib бормоқда.

• Украина Марказий сайлов комиссияси мамлакатда шу йили ўтказиладиган президент сайлови учун 120 миллион доллардан ортироқ маблағ ажратилганини маълум қилди.

• Боливия Президенти Эво Моралес иқлимнинг ўзгариши масаласи юзасидан муқобил конференция ўтказишни режалаштирмоқда.

• Туркменистон ва Эрон ўртасида иккинчи давлатлароқ газ ўтказгичи очилмоқда.

• Сомалилик қароқчилар Янги йилдан сўнг ҳам ўз фаолиятларини давом эттиришмоқда. Қароқчилар бу сафар 24 нафар экипаж аъзоси бўлган, химикатлар оlib кетаётган Индонезиянинг «Промони» танкерини гаровға олдилар. Ҳозирги пайтда қароқчилар 270 нафар экипаж аъзолари бўлган 12 та кемани гаровға ушлаб туришибди.

• АҚШ Президенти Барак Обама ўтган йилнинг 25 декабрида А-330 аэробусида террорчилик ҳаракатини амалға оширишға уриниш қилинганидан сўнг мамлакатдаги хавфсизлик тизими талаб даражасида эмаслигини таъкидлади.

• Кеча «Калининград-Москва» йўналишида қатнаётган поезд йўловчилари Белоруссиянинг «Орша» станциясига портлаш хавфи юзаға келганлиги сабабли вақтида эвакуация қилинди.

• Кеча Royal Air авиакомпаниясига қарашли юк самолёти АҚШда ҳалокатға учраши натижасида икки нафар экипаж аъзоси ҳаётдан кўз юмди.

• АҚШнинг «Forbes» журналида охириги ўн йилликнинг энг истикболли касблари рўйхати чоп этилди. Рўйхатда биринчи ўриндан ҳарбийлик касби жой олган. Иккинчи ўринда эса GR-менежер (алоқа бўйича ҳукумат тизимидаги мутахассис)лар қайд этилган. Шунингдек, рўйхатда кучли бешликка муқобил энергия экспертлари, Африкаға бизнес олиб кирувчи мутахассислар ва журналистлар ҳам киритилган.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хитой марказий телевидениеси (ССТV) ўз томошабинлари эътиборига 135 та сайлов округи ҳамда қарийб 8,5 мингта сайлов участкасида 15 миллион 108 минг нафардан ортиқ сайловчи овоз беришда иштирок этгани, Ўзбекистоннинг хорижий давлатларда ўқитган ва фаолият юритаётган фуқаролари ҳам муносиб номзодлар учун ўз овозларини беришгани — дунё бўйлаб 44 та сайлов пункти ташкил этилгани ҳақидаги маълумотларни хавола этди. Шунингдек, ССТVнинг қайд этишича, «Янги сайлов қонунчилигига кўра, парламентнинг қўйи палатаси депутатлари сони 120 нафардан 150 нафарга оширилди. Улардан 135 нафар депутат кўнунчилигилик асосида ҳудудий округлардан сайланади. Қолган 15 ўринда — парламентда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари ўтиради. Овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўп овозини тўплаган номзод галиб бўлади».

Мамлакатнинг хитой тилида нашр этиладиган «Жэньминь Жибао» газетасида Ўзбекистоннинг қўйи палатаси 5 йил муддатга сайланган 150 нафар депутатдан иборатлиги ҳақида сўз юритилди. 135 нафар депутат фуқароларнинг тўғридан-тўғри сайловлари асосида сайланади, қолган 15 депутат Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан унинг олий органи — конференция орқали сайланади.

Хитойнинг «Lookwe» журнали МДХ Ижроия қўмитаси раиси С.Лебедевнинг Ўзбекистон демократик сайловлар ўтказиш учун жуда кўп тадбирларни амалга оширгани ҳақидаги сўзларини келтиради. МДХ Ижроия қўмитаси миссияси Ўзбекистонда илгари бўлиб ўтган сайловларда ҳам иштирок этган. Миллий сайлов қонунчилиги сезиларли даражада яхшиланди. Фуқароларнинг эркин хоҳиш билдиришини кафолатлайди ва ўзида демократия талабларини мўжассам этди. Сайловларда иштирок этиш учун шунчалик кўп миқдордаги хорижий ва халқаро кузатувчиларнинг келиши Ўзбекистонга бутун дунёда катта қизиқиш борлигини кўрсатади», деди жумладан у.

Озарбойжоннинг «Trend News» ахборот агентлиги Ўзбекистонда ўтказилган бу галги парламент сайловлари ҳақида сўз юритиб, халқаро кузатувчи сифатида мамлакатимизда бўлган Озарбойжон парламенти — Миллий Мажлиснинг иктомийи сиёсат қўмитаси раиси Ходи Раджаблининг сўзларини келтиради. «Мен кузатувчи сифатида борган барча сайлов участкаларида сайлов жараёни юқори савияда ташкил этилгани яққол кўзга ташланади. Бунга фақат пухта таъбирлик натижа-сида эришиш мумкин. Фуқаролар барча саволларга ушбу комиссиялар аъзоларидан батафсил жавоб олинди. Сайловчилар фаол ва эркин овоз бердилар. Мен Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги ва сайловларга оид бошқа ҳужжатлар, шунингдек, уларга киритилган ўзгаришлар билан танишдим. Улар нафақат халқаро меъёрларга мос келади, бал-

ки сайловчиларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган демократик тамойилларни ҳам ўзида акс эттиради. Сайлов жараёни барча оммавий ахборот воситаларида, жумладан, Интернетда ҳам кенг ёритилмоқда. Овоз бериш жараёни юзлаб халқаро кузатувчилар ва хорижлик журналистлар томонидан кузатиб борилгани, парламент сайловларининг очик ва ошкоралигини таъминлайди», деди Озарбойжон парламенти аъзоси.

Х.Ражаблининг сўзларига кўра, Ўзбекистон экология ҳаракатининг ташкил этилиши ва унга Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 15 та депутатлик ўринининг ажратилиши, мамлакатда атроф-муҳит муҳофазаси билан

миссияси раҳбари Шерали Жононовнинг фикр-мулоҳазаларини хавола қилди. Қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар давомида ШХТ кузатувчилари томонидан ҳеч қандай қўнунбузарлик ҳолатлари аниқланмаган.

Ш.Жононовнинг сўзларига кўра, ШХТ кузатувчилар миссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайловлар очик, ошқора тарзда, Ўзбекистон сайлов қонунчилигига ва халқаро талабларга мувофиқ равишда ўтказилган, деб ҳисоблайди. Миссия раҳбарининг эътирофи этишича, ШХТ кузатувчилари сайловда қатнашаётган тўртта сиёсий партия ва Ўзе-

тирган. Мақолада, Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломовнинг сўзларига таянган ҳолда, сайлов давомида сайловчиларнинг 87,8 фоизи иштирок этгани айтилади.

Мақола муаллифлари сайловлар қонуний тарзда ўтказилганини қайд этиб, Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар мониторинги 36 давлат ва ЕХТ, МДХ Ижроия қўмитаси, ШХТ ва Ислон Конференцияси ташкилоти каби тўртта йирик халқаро ташкилотлардан 300 га яқин кузатувчилари томонидан амалга оширилганига эътибор қаратишган.

«Якшанба кuni Ўзбекистонда парламент сайловлари ўтказилди. Мамлакат Марказий сайлов комиссиясининг маълумотига кўра, сайловда иштирок этган фуқаролар сайловчиларнинг салкам 88 фоизини ташкил этди. Сайлов кuni Ўзбекистон Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «Илгари партиядан сиёсий таъсир ва ҳокимият учун кураш олиб бормаган», бироқ бу йил парламент қўйи палатасидаги депутатлик ўринлари учун бошланган пойга сайлов жараёнида ҳақиқий рақобат тусини олди», — деб ёзади Американинг «The New York Times» газетаси.

«France Press» ахборот агентлиги «Президент Ислон Каримов бу галги сайловлар Ўзбекистон демократик жамияти қарор топтириш сари оммаётганини намойиш этмоқда», дея таъкидлади, деб ёзади. Шу нуктаи-назардан, ўтган давр мобайнида, айниқса 2000 йилдан сўнг қилинган барча ишлар мазкур жараёнга янги туртки берди».

Япониянинг етакчи ахборот агентлиги «Киодо Ньюс» Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайловлари тўғрисида япон тилида мақола чоп этди: «Ўзбекистонда тўртта сиёсий партия иштирокида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига (150 ўрин) сайловлар ўтказилди. Сайловда қатнашганлар сайловчиларнинг салкам 88 фоизини ташкил этди. 2008 йилда қабул қилинган парламент тарихийда киритилган ўзгаришларга мувофиқ, янги парламентда депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 га кўпайтирилди. Мазкур сайловларни ўтказиш учун мамлакатда 135 та сайлов округи ташкил этилди.

Парламент сайловларидаги яна бир янгилик, бу 15 та депутатлик ўринининг Ўзбекистон экологик ҳаракати ахборотлиши бўлди.

Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ва Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси каби тўртта сиёсий партияга сайловларда иштирок этишга рўхсат берилди. Бу галги сайловларда фақат сиёсий партиялар томонидан илгари сурилган номзодларгина иштирок этишди».

«Жаҳон» АА

ДУНЁ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИБ ЎТГАН САЙЛОВЛАР ҲАҚИДА

боғлиқ масалаларга катта эътибор қаратилаётганидан далолатдир. Мақола сўнггида парламент аъзоси хулоса қиладики, «Ўзбекистон барча соҳаларда ўзи учун энг тўри — тадрижий йўлни танлади, шу босқич мамлакат тараққиётида изчиллик ва барқарорлик кузатишмоқда. Президент Ислон Каримов томонидан амалга оширилаётган узоқни кўзлаган оқилона сиёсат замирида донолик, сабр-тоқат, ўзаро ҳурмат каби инсоний сифатлар ётади».

2009 йил 28 декабрда мазкур мавзуга бағишланган бошқа бир мақолада МДХ Ижроия қўмитаси раиси С.Лебедевнинг сўзларига таянган ҳолда «Trend News» шундай дейди: «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кузатувчилар миссияси 2009 йил 27 декабрь кuni Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловлар Ўзбекистон конституцияси, мамлакатда амал қилаётган сайлов қонунчилиги ва демократик сайловларни ўтказишнинг умумэътироф этилган меъёрларига мувофиқ равишда ўтказилган, деб ҳисоблайди».

«Миссия сайловлар очик ва ошқора тарзда ўтказилганини эътироф этган ҳолда, сайловлар фуқаролик жамиятининг сиёсий этиқлик даражаси юқори эканидан, сайловчилар ўз хоҳиш-иродасини эркин ва очик ифода эта олганидан далолат беришини таъкидлайди. Миссия мамлакатда сайловларнинг эркин ва демократик тарзда ўтказилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ижобий баҳолайди. Хусусан, мамлакатда миллий сайлов қонунчилиги такомиллаштирилган», деди С.Лебедев.

2009 йил 28 декабрь кuni Қозғоғистоннинг «КАЗИНФОРМ» ахборот агентлиги ШХТ

кистон экология ҳаракати вакиллари билан учрашиш имкониятига эга бўлишди, шунингдек, улар ўз хоҳишларига кўра Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятидаги сайлов участкаларида бўлишди. «КАЗИНФОРМ» Ш.Жононовнинг «Сайловлар жараёнида ҳеч қандай шубҳали қўнунбузарликлар кўзга ташланмади», деган сўзларини айнан келтиради.

Бирлашган Араб Амирликларининг «WAM» ахборот агентлигининг 2009 йил 27 декабрь кuni сайловларнинг бориши тўғрисида қўйидаги маълумотни ахборотчи чоп этди: «Бутун Ўзбекистон парламенти қўйи палатасига сайлов кuni Ўзбекистонлик сайловчилар 8447 та сайлов участкасида овоз бердилар. Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов журналистларга берган интервьюсида баён қилганидек, мамлакатнинг 15 миллиондан ортиқ фуқароси овоз бериш жараёнида қатнашган. Унинг айтишича, сайловлар осойишта вазиётада, ҳеч қандай қўнунбузарлик ҳолатисиз ўтказилган».

2009 йил 28 декабрда «Асия ал-Вуста» ахборот агентлигининг араб тилидаги интернет саҳифасида «Ўзбекистонда парламент сайловлари кузатувчиларнинг фаол иштирокида ўтказилди» сарлавҳали мақола жойлаштирилган. Унда Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистондаги бу галги сайлов жараёни ошқора тарзда кечгани ҳақидаги сўзларига алоҳида ургу берилган. Хусусан, агентлик Президент Ислон Каримовнинг «Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашиларга сайловлар кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётгани мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат шаклланиши ва сайлов тизимининг халқаро нормаларга тўла мос келишининг далолатидир», деган сўзларини кел-

Истиқлол шарофати туйғайи маҳалла тизими ривожига катта эътибор қаратила бошланди. Ҳозирда қайси маҳаллага кирманг, халқимизга беминнат хизмат кўрсатаётган тўйхона, гузарга кўзингиз тушади.



ГУЗАР ЯНАДА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Шайхонтоҳур туманидаги «Исломобод» гузари ҳақида гап кетганида, ҳақиқатан ҳам ушбу масканнинг обод гўшага айланганини, туман маҳаллалари аҳолисига баҳоли қудрат хизмат қилаётганини таъкидламай иложимиз йўқ. Очиғини айтганда, юртимиз Истиқлоли эълон қилинган йилда бунёд этилган «Исломобод» гузари ҳақида матбуотда кўп ва ҳўп ёзилган. Шу боис ҳам мухтарам газетхон «Яна ушбу гузар ҳақида мақола ёзишга ҳожат бормикан?» деб ҳайрон бўлиши шубҳасиз. Лекин «Халқимга нафим тегмаган кунни, умрим ҳисобига кўша олмайман» деб ўйлайдиган гузар раҳбари Мирза Аҳмедов ташаббуси билан амалга оширилаётган таъмирлаш ишларини, янги бунёд этилган клуб, сартарошхона, интернет хонасини кўздан кечирган инсон, «баракалла, зап иш бўлибди-я», дея қувончини аниқ.

Биз ҳам ушбу янгиликдан хабар топган, дарҳол «Исломобод» гузарига йўл олдик. Гузар раҳбари Мирза ака Аҳмедов фаоллар билан бажариладиган ишларни муҳокама қилаётган экан. Ушбу масканни қайта кўздан кечирар эканмиз, очиги, қалбларимиз шодликка тўлди.

— Жорий йил бизнинг ёдимизда умрбод қолади, — деди Мирза ака, — чунки гузаримизда янги

сартарошхона, фото ва интернет тўғараги, моддалар уйи бунёд этилган ҳолда марказ замонавий русумда қайтадан таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Натихада кўшимча 50 та иш ўрни юзага келди. Бу дегани 50 та оила янада фаровон ҳаёт кечириди. Дарвоқе, гузаримизда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Халқ банкнинг янги шохобчаси ишлаб турибди.

— Гузаримиз тумандаги бешта маҳаллага хизмат кўрсатади, — дея гапни илиб кетди гузар ходими Абдулла ака Юсупов. — Ҳар бир байрамда маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар аъзолари, ёлғиз қариялар учун дастурхон тузаб совғалар улашиш аънаёнага айланган. Маҳалладорларнинг тўй маросимларининг аксарияти ҳам гузар тўйхонасида уюштирилади.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла маркази ҳисобланмиш гузарлар обод бўлса, эл кўнгли шод бўлади. Ҳа, азизлар, маҳаллаларимиз, гузарларимиз гуллаб-яшнаётганини. Янги йилда «Исломобод» гузарига бошланган хайрли ишлар давом этсин, дея хушнуд ҳолда мақолага нукта қўйдик.

(Ўз мухбиригимиз)

СУРАТЛАРДА: гузарнинг янги кўрнини Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар



Танловлар ЁШ ТАДБИРКОР — ЮРТГА МАДАДКОР

Истиқлол йилларида ёшларнинг иқтидорини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, бозор иқтисодиёти кўникмаларини, мулкка эгалик туйғуси ҳамда янгича фикрлайдиган мулкдорлар синфини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, янги иш жойларини ташкил этиш ҳозирги даврнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари қаторига қиради.

Шу маънода ҳар йили «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» бизнес лойиҳалар танлови ўтказиб келинади.

Нихоёсига етиб бораётган жорий йилда бу тадбир янада уюшқоқлик, ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки руҳда уюштирилди. Лойиҳада республиканинг барча вилоятларидаги ҳудудий ишчи гуруҳлари фаолияти кўзда тутилган бўлиб, мазкур гуруҳлар томонидан ёш тадбиркорларга «Камолот» тавсияномалари асосида имтиёзли микрокредитлар ажратилишга йўлга қўйилди. Танловнинг биринчи минтақавий республика босқичида ёш иқтидор эгалари ўзларининг бири-биридан қизиқ ва долзарб лойиҳалари билан қатнашишди. Танлов натижаларига кўра 10 нафар ёш тадбиркорлар галиб деб топилди, фондсиз кредит олиш имкониятини кўлга киритишди. Ана шу тадбирнинг давоми ўларок жорий йил ўрталарида танловнинг иккинчи минтақавий босқичи ўтказилди. Унда республикамизнинг барча ҳудудларидан вакиллар иштирок этишди.

Кунги кеча Ўзбекистон Банкур ассоциациясида мазкур танловнинг жорий йил яқунларига бағишланган матбуот анжумани ва галибларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Матбуот анжуманида «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи Нуриддин Маматов, «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Шухратжон Умаров, Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Сардор Исанбоевлар сўзга чиқибди, мазкур тадбирнинг амалга оширилишидан кўзланган мақсад, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар самарадорлиги ҳақида тўхталишди. Таъкидланганидек, жорий йилда ушбу лойиҳа доирасида ишчи гуруҳларига мурожаат этган 1253 нафар ёш тадбиркорларнинг 1192 нафарига тавсиялар берилган. Уларга жами 2383,7 миллиард сўмлик микрокредитлар ажратилган. Тадбирнинг ҳудудий босқичларида 2500 нафардан зиёд ёшлар арилиб, фондсиз кредит этишиб, шундан республика босқичига 80 нафар ёш тадбиркорлар йўланма олишган. Танловнинг тақдирлаш маросими барчада хуш кайфият уйғотди. Эндликда рағбатлантирилган ёшларимиз мустақил ҳол келажагига хизмат этишдек масъулиятли вазифага бел боғлайдилар.

Ҳаким ФАТТҲОВ

Жуманиёз ЖАБОРОВ, Ўзбекистон халқ шоири КЎНГИЛ САРҲИСОБИ

Ҳар сафар Янги йилни катта, нурли умидлар билан кутиб оларканмиз, икки буюк тушунча билан юзма-юз бўламиз. Уларни қисқача қилиб ифода этадиган бўлсак — «Хайр ва мархаб!» деган икки улғу маъно онгу қалбимизни чулғайди. Биринчиси — ўтаётган йилни миннатдорлик ила «Хайр» дея улғулаб, тарих баргига кузатамиз. «Хайр»нинг лугавий маъноси «яхшилик ёки яхши бор» деганимиздир. Иккинчиси — «Мархаб!» дея, яъни «Хуш келибсан!» дея Янги йилга қучоқ очамиз. Катта ҳаёт йўлидаги сафаримиз ана шундай манзиллар оша ўтаверади.

Чиндан ҳам, ўтган 2009 йилимиз улғувор воқеаларга бой бўлди. Кўпдан-кўп яхшиликлар, қувончли ишлар, зафарли юксалишларнинг гувоҳи, иштирокчиси бўлдик ҳар биримиз. Ўтган йилимиз, энг аввало, Мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги санаси билан боғлиқ меҳнат зафарлари, унутилмас тантаналар ила ҳаётимизни яна бир поғона юксакка кўтарди. Бу шонли сана ҳақида ўйлаганда вужудимизни гўзал, ёрқин бир туйғулар чулғайди.

Яхши биламизки, йил деган улғу тушунча фақат 365 кундан иборат вақт йиғиндиси бўлибгина қолмай, у жамият ҳаётидаги ўсиш-улғайиш, муттасил равишда олға силжа маъносини англатади. Мана шу илб-тан қисқа даврга катта мазмун, юксак инсоний интилишлар маъносини бахш эта олиш — бу ҳар бир инсон, ватандош учун олий вазифа ҳамдир. Мана шу ҳақиқатни чуқур ҳис этган ҳолда дадил айта оламизки, 2009 йил бағоят салмоқли, забардаст йил бўлди. Бу йилдаги воқеалар асло унутилмасдир.

Хусусан, ўн саккиз рақамнинг жозибаси асло унутилмасдир ва ёруғ жаҳонни ота-боболаримиз ўн саккиз минг оламдан иборат Коинот сифатида баҳолаганлар. Буюк шоиримиз Алишер Навоий бу гўзал рақамни жиллантириб, уни бетимсол гўзаллик ва ҳайрат олами сифатида талқин этиб, олий тафаккур даражасига кўтарганлар. «Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадир» деганларида, бу рақам зиммасига ўн саккиз минг олам юқини кўтара оладиган қувватни бахш этганлар. Боз устига ўн саккиз ёш гўзаллик, мустақил фикрий парвоз, дадиллик, катта ниятларга пешвор борувчи, келажаги буюк бир қудрат сифатида талқин этилмоқда.

Ўтган йилимиздаги асло унутилмас яна бир буюк воқеа — бутун Осиёнинг кўрки ва фахри, ўзбекининг бош шаҳри бўлиши Тошкентнинг икки мингу икки юз йиллигини нишонлашдек улғу тантананинг энг олий мақомада, жаҳоншумул даражада кенг нишонланганидир. Тошкент — аввало, бутун Ўзбекистон учун пойтахт шаҳар, улғу тарихий манзилгоҳ. Айни замонда дунёдаги барча ўзбек миллатига мансуб кишилар учун ҳам суюкли, жонажон шаҳар. Ундан таралган нур-зиё барча юракларни мунаввар этади. Улар Тошкент сўзига қулқот тудадилар, Тошкент тимсолида ўз таянч тоғларини кўрадилар. Бу ҳақиқат дилларимизни ифтихор туйғуси билан тўлдирди. Пойтахтимизнинг ушбу улғу тўйини биз билан бирга дунёдаги барча дўстларимиз юксак эътиром ила нишонладилар. Шу улғу юбилей муносабати билан пойтахтимизнинг Амир Темур хиёбонида гоят қисқа муддатда, меҳру муҳаббат билан махсус тикланган оқ мрамар қаср — «Ўзбекистон» дея аталмиш халқаро анжуманлар саройи йилимизнинг кўрки бўлди. Бу қўркам мўъжиза билан ҳар гал учрашувнинг ўзи катта бахт. Уни ғурур билан томоша қилар эканмиз, дунёда тенги йўқлигига имон келтирамиз. Сут билан чағилгандек бу гавҳар қаср Тошкентнинг тимсолига айланди. Уни Истиқлолимизнинг қудрату кўркини кўрсатувчи бир рамз — символ тарзида тушунамиз. Мана шу бинода улғу йилимизда яна бир улғу мажлис — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган катта анжуманимиз тантанаси кўзимиз ўнгиде худди кечганина бўлиб ўтган воқеадай гавдаланиб турибди. Шу анжуманда Президентимиз Ислон Каримов ўз маърузаларида босиб ўтилган йўлни, вазифалар мураккаблиғи ва улғуворлигини ишончли рақамлар ва чуқур асосланган фикрий хулосалар билан тасвирлаб бердилар. Аънаёна кўра ана шундай катта анжуманда ҳар бир Янги йилга ном берилди. Бу йилги янги йилимизга Баркамол авлод йили сифати берилди. Жудаям муносиб маъноларга бой ном бўлди. Амалга оширилаётган ҳамма улғу ишларимизнинг бош маъноси, аслини олганда шу баркамол авлоднинг янада камол топиши эмасми! Буюк аждодларимизнинг орзу-ниятлари ҳам, халқимизнинг фидойи меҳнати ҳам шу олижаноб вазифага қаратилган.

Яъни — 2010 йилда кўп яхши ишлар амалга ошажақ, иншоолло. Хусусан, 2009 йилда кенг қулоч отган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йилидаги қўлгина ишлар буткул кўлами билан давом эттирилади. Қишлоқларимиз шаҳар кўркини олиб, жозибали манзилгоҳларга айланади. Авто ва темир йўллар қурилади. Билим ва маданият саройлари қад кўтаради, яна юзлаб-минглаб иншоотлар юртимиз кўркини оширади. Ҳар бир қадамнинг муборак бўлсин, янги — 2010 йил!

Қарор ва ижро

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бошқаруви томонидан Президентимизнинг 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, jisмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу Қарор ижроси юзасидан шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг Раёсат қарори қабул қилиниши ва 1144-сонли Қарорнинг 5-банди ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли, айниқса хотин-қизлар ва никоҳдан ўтувчи ёшлар орасида соғлом оила қуриш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш масалалари юзасидан тизимли асосда тушунириш ишларини ташкил қилиш, ҳамкор ташкилотлар билан 2009-2010 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режасини амалга ошириш ҳамда мониторинг олиб бориш, оилаларнинг ижтимоий-маънавий аҳолини ўрганиш орқали кам таъминланган, тиббий ёрдамга муҳтож аҳоли, хотин-қизлар, ёшларни аниқлаш ва уларни соғломлаштириш, ижтимоий кўллаб-қувватлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, Қарор ижросини таъминлаш бўйича жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш юзасидан тарғибот гуруҳлари тузиш ва уларнинг вазифаларини белгилаб бериш бўйича йўриқномаларни етказиш масаласида шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари иштирокида семинар ўтказилди. «Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятини ошириш, соғлом оилаларни шакллантириш» йўналиши юзасидан шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси, хотин-қизлар кўмитида ва «Камолот» ЁИХ ҳамкорлигида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Аҳоли орасида айниқса, хотин-қизлар ва никоҳдан ўтувчи ёшлар ўртасида соғлом оила қуриш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари юзасидан тизимли асосда тушунириш ишларини ташкил қилиш бўйича шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, «Маҳалла» жамғармаси ҳамда «Оила» маркази билан ҳамкор-

ликда «Она ва бола саломатлиги — юрт таянчи» мавзусида семинар ташкил этилди. Семинарда шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Республика ва шаҳар «Маҳалла» жамғармалари, шаҳар «Оила илмий-амалий маркази Республика Эндокринология илмий текшириш институти вакиллари сўзга чиқиб, она ва бола саломатлигини ҳамда аҳоли орасида репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан ҳамкорликда ишларни ташкил этиш бўйича келишиб олишди.

Шунингдек, Ижтимоий ташаббусларни кўллаб-қувватлаш фонди томонидан «Харакатларни бирлаштириш — ютуқлар сари интилиш» шiori остида «Соғлом она — соғлом фарзанд-2» лойиҳаси асосида шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги 474 та маҳаллада «Бехатар ҳомилаларда ва бехатар туғрулар», «Исталмаган ҳомилалардорликнинг олдини олиш», «Соғлом фарзанд — келажак пойдевори» мавзуларида аҳоли ўртасида семинар, учрашувлар ташкил этилди. Ушбу учрашувларда 1080 нафар шаҳар маҳаллаларида истиқомат қилувчи туғиш ёшидаги хотин-қизлар, ҳомилалар аёллар, қайнона ва келинлар таклиф этилди. Уларга Ижтимоий ташаббусларни кўллаб-қувватлаш фонди томонидан буклетлар, ҳомилаларлик вақтида тиббий билимни ошириш учун керак бўладиган масалаларда ҳамда болани 2 ёшга тулғунча парваришлаш усуллари бўйича кўллашма-китобчалар тарқатилди.

Аҳолининг барча қатламлари ўртасида соғлом оилани шакллантириш, оилада эркаклар масъулияти, оила муқаддаслиги каби қадриятларни тарғибот, ташвиқот қилиш ишларини кучайтириш бўйича жойларда тузилган тарғибот гуруҳлари ишларини тақомиллаштириш масаласи кўриб чиқилди ва

аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Бошқаруving туман бўлимларига тарғибот гуруҳлари томонидан олиб борилаётган ишларни назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш юзасидан топшириқлар берилди.

2009 йилнинг октябрь-ноябрь ойи давомида шахримиздаги 11 та тумандаги мавжуд 474 та маҳаллаларда тарғибот гуруҳлари тузилди ва ҳар бир маҳаллада «Саломатлик бурчаклари» ташкил этилди. Аҳоли орасида репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлиги юзасидан Тарғибот гуруҳлари томонидан 24597 та оилалар билан суҳбатлар ўтказилди. Олиб бориш тарғибот ва тушунириш ишларини натижасида хотин-қизлар ва айниқса, ёшлар ўртасида тиббий маданиятни оширишга эришилди.

Шахримизда тарғибот гуруҳлари томонидан аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш юзасида кучайтириш мақсадида «Маҳалла» жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази шаҳар бўлими ҳамда Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси билан ҳамкорликда ҳудудий семинарлар ўтказиш юзасидан ҳамкорликда режа ишлаб чиқилди ва бир ой давомида барча туманларда тарғибот семинарлари бўлиб ўтди. Семинарда ҳар бир туманда ташкил этилган махсус жамоат гуруҳлари, Халқ таълими бўлими, «Камолот» ЁИХ, ҳудудий тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари, диний идора вакиллари, масжид имом хатиблари, отинойилар, маҳалла фаоллари иштирок этишди. Мақсад, соғлом оилани шакллантириш, ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола соғлигини муҳофаза қилишдан иборат.

Жамолiddин ШОҲАКИМОВ,
«Маҳалла» жамғармаси
Тошкент шаҳар бошқаруви
раиси



Бугун болажонлар орзиқиб кутган арча байрамларига бориб маза қилиб яйрашмоқда. Турли-туман ажойиб ўйинчоқлар билан безатилган «Ўрмон маликаси» атрофида эртақ қаҳрамонлари билан ўтказилаётган ажойиб ва қизиқарли томошалар кичкинтойлар қалбига бир олам шодлик улашмоқда.

ТОМОШАЛАР БАРЧАГА
МАНЗУР

Шахримиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театри биноси олдида ҳам яратилган катта арча атрофида «Қорбобонинг сеҳрли ҳассаси» номи остида ўтказилаётган Янги йил томошалари каттаю кичикка манзур бўлиб барчани даврага чорламоқда.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари ва Миробод тумани ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда иштирок этаётган болажонлар билан суҳбатлашар эканмиз, Қорбобо, Қорқиз ҳамда Ялмоғиз, бўри, тулқивой ва Хўжа Насриддин хангомалари уларда катта таассурот қолдираётганининг гувоҳи бўлдик.

— Мен Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабнинг 6-синфида ўқийман, — дейди Ҳакимжон Миродилов. — Ўртоқларим билан Алишер Навоий номидаги Катта театрга «Афсонавий ўрмон сирини» деб номланган томошага келган эдик. Томоша бошлангунча ташқарида ҳам жуда қизиқарли байрам бўлмоқда. Айниқса Кўғирчоқ ва Ёш томошабинлар театрлари жамоалари томонидан тайёрланган эртақ ва спектакллар бизга жуда маъқул бўлди.

— Болажонлар арча байрамини ҳамisha мушток бўлиб кутишди, — дейди туман маданият ва спорт ишлари бўлими раҳбари Комилжон Фозилов. — Бу томошалар ўқувчиларнинг киши таътил вақтининг сермазмун ўтиши ва яхши дам олишларига қаратилган. Қўтилганидек бири-биридан қизиқарли бўлаётган тадбирларимизда улар ҳам фаол иштирок этмоқда.

Куй-қўшиқча уланган даврада баралла шеърлар айтиб, рақс тушиб Қорбободан совғалар олаётган жажжиларнинг шодлиги, қувноқ қулгулари оламни тутмоқда.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТДА: бўлиб ўтаётган томошалардан лавҳа.
Ҳакимжон Солихов олган сурат



Ҳамкорлик

КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛДИ

Яқинда Малайзиянинг Перлис университети профессори Камарудин Хуссин бошчилигидаги делегация Тошкент Автомобиль йўллар институтида бўлди.

Делегация аъзолари олий ўқув юртида ёшларнинг замонавий билимларини эгаллашлари борасида яратилган шарт-шароитлар билан танишишди. Сўнг Перлис университети ҳамда Тошкент Автомобиль йўллар институти ўртасида ҳамкорлик юзасидан шартнома тузилди.

Ташриф сўнггида ҳар иккала олий ўқув юрти жамоалари ўртасида футбол бўйича ўртоқлик учрашуви ўтказилди, дуранг натижа — 3:3 ҳисоби кайд этилди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: беллашувдан лавҳалар

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳал қилув қарорига асосан Тошкент шаҳар «Баткивщина» Украин маданият марказининг фаолияти тугатилганлиги муносабати билан, унга Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан берилган гувоҳномаси, ҳамда ушбу нодавлат нотижорат ташкилоти фойдаланиб келаётган бурчак штампи ва думалоқ муҳри

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли тадбиркорлар!

Бизнесда муаммолар борми?
Қонуний ҳуқуқларингиз бузилиши ҳолатлари рўй бермоқдами?
Маслаҳат керакми?
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
Жамоатчилик кенгашига мурожаат қилинг!

Жамоатчилик кенгаши телефон рақами:
(+99871) 150-60-05

Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсқинликларни биргаликда бартараф этайлик!

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси
«Call-center» (+99871) 150-60-05
«24 соат маслаҳат хизмати» (8-371) 120-04-04
(барча қўнғироқлар бепул)
Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6
e-mail: info@chamber.uz web-site: www.chamber.uz

Хурматли тадбиркорлар!

Фаолиятингизга асосси аралашувлар ва қонуний ҳуқуқларингиз бузилиши ҳолатлари юзасидан ҳамда тадбиркорлик фаолияти ва бизнес муҳитини ривожлантиришга оид барча масалалар бўйича Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси

Жамоатчилик кенгашига мурожаат қилинг.

Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсқинликларни биргаликда бартараф этайлик!

Тошкент шаҳар Жамоатчилик кенгаши
телефон рақами: (+99871) 150-31-01

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси:
(+99871) 150-60-06
Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси:
(8-371) 150-31-01
e-mail: info@chamber.uz web-site: www.chamber.uz

МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҚОНУНИ БОСИТИЙ

Аввал суюқни, сўнг қуюқни ейишнинг фойдаси

Билмоқ керакки, очлик мўтадил ҳолатда аввало латиф таомни, сўнг ғализ таомни истеъмол қилишнинг фойдаси шуки, меъданинг остки тарафида ҳарорат кучли бўлади ва латиф (мулойим) таомни тез ҳазм қилади. Қуюқ таомга навбат келгунча суюқ таом тўлиқ ҳазм бўлади ва унинг сафатини, яъни баданга сингийдиган жавҳарини меъда жигарга ўтказган бўлади.

Маълумки, латиф таом тўлиқ ҳазм бўлгандан сўнг ғализ таом қайси пайтда ҳазм топса ҳам ҳеч бир кўрқинчли жойи йўқки, охири у тўлиқ ҳазм билан латиф овқат ҳукмида бўлади. Аммо, ғализ таом билан латиф таом ўртасида фарқи камроқ бўлса, бу тақдирда ғализ таомни аввал истеъмол қилиш афзалдир, чунончи, бу тақдоран айтиб ўтилди.

Агар меъда таомдан бўш ва иштаҳа кучли бўлган вақт бўлса аввало латиф овқатни истеъмол қилишнинг фойдаси шуки, бу ҳолда меъда таом учун зўр муҳтож бўлади. Овқат меъдага етиши билан меъда дарҳол овқатга диққатни қаратади. Очлик пайтда юз берган кучли ҳароратнинг ёрдами билан меъда ўша ғализ овқатни тезда ҳазм қилади. Демак, унинг орқасидан истеъмол қилинган латиф овқатнинг тез ҳазм бўлишини ғализ овқатнинг тез ҳазм бўлиши мос келиб, ўрталаридаги фарқ йўқ бўлади. Бинобарин, латиф овқатнинг тез ҳазм бўлиши табиатни ташвишлантирмайдиган ва ҳайронликка солмайдиган бўлади. Ҳар икки овқат бир пайтда тенг ҳазм бўлгани учун гўё бир хилдаги овқат ҳукмида бўлади.

Демак, аксинча, аввало латиф овқатни, сўнг ғализни истеъмол қилинса, агар латиф овқат тез бузилувчи овқатлар жумласидан бўлса очликнинг шиддатли ҳарорати билан меъдада бузилади. Чунки унинг латофати қизиб турган меъданинг ҳароратига тоқат қилолмайди, ҳазм даражасида ўтиб, фасод даражаи кайфиятни ҳосил қилади. Демак, унинг орқасидан тановул қилинган ғализ овқат ҳам унга бориб қўшилгани учун фасод ҳосил қилади.

Овқат тўлиқ латофатли бўлгани учун тезроқ ҳазм бўлади. Ундан баданда тезроқ ҳазм бўлувчи жавҳар ҳам тезроқ ҳосил бўлади. Аммо орқасидан ейилган ғализ овқат ҳам ғализлиги сабабли ҳамда меъда латиф овқат билан бироз қаноатлангани учун сўнгги ғализ таомга ҳожати ва рағбати камайиб, овқат кеч ҳазм бўлиши ва латиф овқат билан тенг ҳазм бўлмаслиги маълумдир.

Демак, бир вақтда бир-бирига зид иккита ҳаракат содир бўлиб, бири ҳазм бўлган овқатни меъдани ҳайдаши, бошқаси ҳазм бўлмаган овқатни меъдада ушлаб туришга тўғри келади. Қайси бирини амалга ошириш учун табиат ҳайратда қолади. Латиф овқат ҳазмидан меъдада қочиб юз беради, натижада латиф овқатда бузилиш пайдо бўлади. Бу бузилиш ғализ овқатга ҳам таъсирини ўтказиши.

Ноннинг ёлғиз ўзини еб
бўлмайди

Билмоқ керакки, ноннинг ёлғиз ўзини еб бўлмайди. У меъдани хароб қилади. Аммо қадим ҳакимларнинг ҳар куни бир марта нон еганлари нақл қилинади. Бироқ нақл қилувчиларнинг мақсадлари шуки, қадимги ҳакимлар нонни гўштсиз, лекин муносиб ширинлик билан ҳар куни бир маҳал тановул қилар эдилар, демакдир. Танҳо нон ейиш мурод эмас. Чунончи, ҳаким Қарший «Шарҳи қонун» китобида шуни таъин қилган.

(Давоми ҳас)

Маълум бўлган

«Yosinbek -Adolat» адвокатлик бюроси (Инн-204691866) ёпилди. Даъволар Юнусобод тумани, 15-дах, 41-уй, 35-хонада қабул қилинади. Тел: 944-35-26.

Тошкент Тиббиёт академияси жамоаси ва касоба уюшмаси асаб касалликлари кафедрасининг профессори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби
Наби Маждидович МАЖИДОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чукур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Юнусобод туман ФХДБ бўлими 1-тоифали инспектори Гулбаҳор Баратовна Кулматовга онаси
Холбувиҳон ая КУЛМАТОВАНИНГ
вафоти муносабати билан чукур таъзия изҳор этади.



Бош муҳаррир
Акmal AKPOMOB

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4207 нускада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарҳ» нашриёт-матбعا акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.